ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

«ИНСОН ВА ҚОНУН» • КҮШ — ӘДИЛЛИКТЕ

Газета 1996—жыл 1-сентябрден баслап шыға баслады

9 АВГУСТ 1997 жыл №25 (32). ШЕМБИ

сатыўда еркин баҳада

# АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҲУҚЫҚ ҚОРҒАЎ УЙЫМЛАРЫНЫҢ ЖӘМИЙЕТЛИК—ҲУҚЫҚЫЙ ГАЗЕТАСЫ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАРНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ—1791-сонли Фармонига мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади;

1. Тошкент давлат юридик институти хузурида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.

2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин;

— мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш;

— аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун марказнинг минтақавий бўлимларига юбориш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

— жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш;

— оммабоп ҳуқуқий адабиётларни, ўқув-услубий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш;

— аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ищларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва фанлар академияси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази вазифаларининг амалга оширилишида унга яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибий ишларни ошириш тавсия этилсин.

Мазкур масала билан боғлиқ бўлган оммавий, маърифий, тарғибий-ташкилий ишларнинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши муҳим эканлиги таъкидлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг минтақавий бўлимларини зарур асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий техника воситалари билан жиҳозлашда, ҳуқуқий тарғибот ишини юритишда яқиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг ҳудудий бўлимларини ташкил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Ҳудудий-маърифат тарғиботи марказининг туман (шаҳар)лардаги минтақавий бўлими ишини ташкил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлимлари ходимларига давлат ҳокимияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаш тузилсин.

Мазкур кенгашга нашр этишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика Президенти Фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотларининг (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий) назорат нусхалари юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

10. Оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни кўпайтириш ва уларни республика аҳолисига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мавжуд «Адолат» нашриёти моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдамлашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, «Китоб савдоси» давлат ҳиссадорлик уюшмаси, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акционерлик жамияти билан биргаликда ҳуқуқий илмий—оммабод адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини аҳолига 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикасы молия вазирлиги Адлия вазирлиги буюртмасига мувофиқ ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини жиҳозлаш, транспорт воситалари олиш ва фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсин.

13. Мазкур қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 22 июль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ—1791-сонли Фармонига мувофиқ, ҳокимият ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади;

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, Устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибда тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Юристлар малакасини ошириш марказида;

— адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар.

— Ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига заҳирага олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

— маълум тоифа кадрлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

— ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойига тавсифнома берилади;

— ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

— ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларида иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларини амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;

**(Давоми 2-бетда).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

1998 йилдан бошлаб ҳар йили марказнинг буюртмасига мувофиқ, хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун, шу жумладан, эркин алмаштириладиган валюталарда;

— марказни асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

— марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан, мазкур қарор шартларига мувофиқ, иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр эттириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра, зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика Юристлар малакасини ошириш марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиленган тартибда Марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 18-сон Қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 21 июль.

# МАҚСЕТИ—ХАЛЫҚ ТЫНЫШЛЫҒЫ

Жийенбай Ғайбуллаев Қараөзек районындағы алыс аўыллардың биринде туўылып өсти. Ол бардамлы жердиң балаларындай мыжымырлап пул усламасада эпиўайы дийқан шаңарағында қыйыншылықты көрип, қайралып ержетти.

Биреўге жөнсиз азап беретуғын, жалатай ҳәмелпараз адамларды балалық жылларынан баслап-ақ оғада жек көретуғын болғанлықтан усындай машақатлы кәсипти таңлап тынды.

1973 жылы райондағы Менделеев атындағы орта мектепти питкергеннен кейин ол Ташкент қаласындағы жоқары милиция мектебине оқыўға түсти. Ўақыт жүйрик атын шапқылап жүргенде студентлик жылларда ҳә демей-ақ өтип кетти.

Ол Нөкис қалалық ишки ислер бөлиминде жынаят қыдырыў бөлимшесиниң аға инспекторы болып ислеўден хызмет жолын баслады. Кейин ала Қарақалпақстан Республикасы ишки ислер Министрлигинде тергеў бөлиминде тергеўши, аға тергеўши лаўазымында иследи. Хожели районындағы ислеп атырған жыллары «Үлгили милиция» атағын алды. Екинши рет министрликте тергеў бөлиминиң баслығы орынбасары, болып иследи. 1991 жылы Москвадағы ишки ислер Министрлигиниң академиясына оқыўға түсти.

Академияны табыслы питкерип келип, жәнe Қарақалпақстан республикасы ишки ислер министрлигинде сорастырыў (дознаватель) бөлиминиң баслығы болып иследи.

Жыллар өтип Жийенбай бираз кәсиплик тәжирийбе топлады, ҳуқықый саўатын жумыс ҳәм турмыс пенен байланыстырды. Милиция подполковниги дәрежесине еристи.

Хызмет шеңберинде айналып жүрип ол 1993 жылы балалығы өткен баяғы Қараөзек районына келди. Дәслеп РИИБ де оператив ислер бойынша баслықтың биринши орынбасары, 1995-жылдың май айынан баслап РИИБ ниң баслығы лаўазымында ислеп атыр.

Биз жақында районға барғанымызда ол басшылық етип атырған тараўдың жумыслары ҳаққында өзи менен, РИИБ де жынаяттың алдын алыў бөлимшесиниң баслығы, милиция капитаны Мақсет Өтемуратов, аға тергеўши, милиция майоры Инијатдин Уснатдинов, жеке қурам менен ислесиў бойынша баслықтың орынбасары, милиция капитаны Жалғас Қәдирбергеновлар менен бир қатар сөйлестик.



**СҮЎРЕТТЕ;** Қараөзек районы ИИБ баслығының орынбасары, милиция майоры **Ж. Жаңабаев**, Район ИИБ баслығы подполковник **Ж. Ғайбуллаев** ҳәм патруль хызмети бөлиминиң баслығы, милиция капитаны **М. Өтемуратов.**

Есапқа алынған жынаятлар саны өткен жылдың усындай мәҳәлине салыстырғанда көбейген екен. Сонлықтан ба, жигитлер онша кәсиби, ўазыйпасы ҳаққында ашылысып сөйлескиси келмеди. Бөлимдеги жынаят санының өсип кетиўиниң бир себеби 1996 жылы райондағы «Қарақалпақстанның 40 жыллығы» атындағы шарўа хожалығында маллардың кемис келиўи салдарынан 10 жынаят болған болса быйыл 4 айда жәнe 6 жынаят ашылған.

Бирақ районда зорлық ислеў, басқыншылық аўыр жынаятшылар топары болмады—деди баслық бир гәпинде.

Соңғы ўақытлары район аймағында ҳәр қыйлы урлық ушыраспақта. Бирақ урылардың изин шаң баспай атырып олар қолға түсип атыр. Буған бир мысал; 1997 жыл 8-январь күни түнде Қараөзек районлық тутыныўшылар кооперациясы көтере усақлап сатыў акционерлик жәмийетине қараслы жәрдемши хожалығына тийисли бир бас ири шақлы малды Қаршығалы АХИАсында жасаўшы, бурын да мал урлап судланған Алексей Бегимбетов ҳәм Мақсет Матенов екеўи түнги саат 24 лер шамасында район орайында жасаўшы Мамыт деген қассаптың үйине алып келген жеринде милиция сержантлары Муратбай Хожабергенов ҳәм Шарапатдин Ибрагимовлар тәрепинен усланды. Жынаятшылар суд тәрепинен тийисли жазаларын алды.

Ишки ислер бөлиминиң хызметкерлери егин басқылаған маллардың ийелери менен түсиник, тәртип жумысларын үзликсиз алып бармақта. Солай да болса егин басқылаў, заялаў фактлери ушырасып атыр.

1997 жылы 22 март күни «Мәденият» АХИАсында жасаўшы пуқаралар Пердебай Мәдиреймовтың 5 бас, Нуртай Қурақбаевтың 3 бас қара малы 30 гектарлық бийдай атыздың 3 гектарын заялап, мәмлекетке үлкен зыян келтирген. Бул ис бойынша Өзбекстан Республикасы жынаят Кодексиниң 198 статьясы, 3 бөлими менен жынаят иси қозғатылып, тергеў жумыслары басланды.

Районлық ишки ислер бөлиминде 76 хызметкер ислейди. Олардың арасында кәсиплик шеберлигин арттырып, ҳуқықый саўатын тереңлетип, ишки ислер министрлигиниң академиясында оқып атырғанлары да бар.

Ўақыт, дәўир талабы оғада аўыр ҳәм жуўапкерли екенлигин билген билип, билмеген қолын бир силтеп жасай берсе онда бизлердиң өмиримиз, турмысымыз мазмунлы бола алмайды. Нызам алдында ҳәмме теңдей болыўы шәрт.

Жумыстың нәтийжеси болыўы бириншиден сол тараўдың басшысына, оның әтирапында мақсети бир, ўазыйпасы ортақ кәсиплеслерине байланыслы.

Милиция подполковниги Жийенбай Ғайбуллаев районда жынаятты болдырмаўға оның алдын алыўда . халықтың тынышлығын еледе турақластырыўда изине ерткен жигитлерин абырайлы орынға алып шығады деп ойлаймыз. Жумысың жақсы болса ким болсада халық алдындағы қәдириңниң қандай дәрежеде екенлигин өзине басқалар айтып береди. Қайсы бир тараўда болсын, басшы төмен қараса басқалары жумыс ислеп жарытпайды. Ал Жийенбайдың ҳәзирги ҳәрекетлери жаман емес. Машақатлы кәсибинде әўмет тилеймиз, Жийенбай!

**Саладдин МИНАЖОВ,**
**журналист.**

**Сүўретке түсирген П. МАТЖАНОВ.**

# ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессиясида давлатимиз Президенти И. А. Каримов ўз маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш уюшмаларининг иши талаб даражасида эмаслиги, тергов ишлари муддатларининг бузилиш ҳолатлари, сансалорлик тўғрисида танқидий мулоҳазалар билдирган эди. Юртбошимиз ўз нутқида суд, ИИВ ва божхона бошқармаси фаолияти ҳам қониқарсиз аҳволда эканлигига алоҳида тўхталиб ўтганди. Прокуратура ходимлари бу танқидий фикрлардан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олмоқдалар.

Албатта Президентимизнинг билдирган танқидий фикри ҳуқуқни муҳофаза қилиш уюшмаларининг ишини янада такомиллаштиришга, янги усулда иш олиб боришга даъват этади.

Яқинда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш уюшмаларининг мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси ўтказилди. Унда прокуратура, ички ишлар вазирлиги, суд органлари ва божхона бошқармаси раҳбарлари билан мутахассислари қатнашдилар.

Мазкур мажлисда Президент И. А. Каримовнинг Жўқорғи Кенгес сессиясида сўзлаган маърузаси чуқур ўрганилди ва бизнинг номимизга билдирилган танқидий кўрсатмалари ҳар тарафлама таҳлил қилиб чиқилди.

Президентимизнинг шу йил 20 майда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан бўлган учрашувда белгилаб берган вазифалардан келиб чиққан ҳолда республикамизда қонун устуворлигини таъминлашга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган вазифаларни аниқлаб олдик.

Ҳозирги вақтда жойларда Президентимизнинг Жўқорғи Кенгес сессиясида чиқиб сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ўрганилмоқда.

Келгусида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ўзларимизнинг бутун куч-ғайратимизни, билимизни, иқтидоримизни жиноятчиликнинг олдини олиш ишига сафарбар қилаверамиз.

**Ж. НОРИМБЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурори биринчи муовини, адлия катта маслаҳатчиси.**

# ЁЛҒОН КЎРСАТМА БЕРГАНИ УЧУН

Элликқаъла туманининг Қирққиз фуқаролар йиғинида яшовчи Самандар Абдуллаев ўтган йилнинг 22 декабрь куни маст ҳолда Йўлдош Болтаев билан ўз аро жанжаллашиб қотган.

Бу факт бўйича қўзғатилган жиноят иши олиб борилган дастлабки тергов давомида С. Абдулаев «Йўлдош Болтаев 1996 йил 22 декабрь куни мени уриб, чўнтагимда бўлган магазиндан савдодан тушган олти минг ва ўзимнинг шахсий молимни қассобга сўйдириб гўштни сотгандаги жами тўққиз минг олти юз сўм пулимни тортиб олди» деб кўрсатма берган. Бу факт бўйича Й. Болтаев қаршисига жиноий иш қўзғатилган эди.

Лекин, С. Абдулаев шу йил 5 март куни туман судида ўз кўрсатмасида «Мен пулимни судланувчининг олган олмаганлигини билмайман, фақат у кечирим сурамаганидан кейин аччиқ қилиб терговда, судланувчи мени уриб пулимни олмади, пулим тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин, терговдаги кўрсатмаларим нотўгри»,—деп кўрсатган.

Демак, С. Абдуллаев ғаразгўйлик ниятида тергов даврида ёлғон кўрсатма берганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 237-модда 2-қисми «б» банди билан айбдор деб топилиб энг кам иш ҳақи 75-баравариға яъни 45000 сум жарима солиш ҳақида суд ҳукми чиқди.

Халқимизда «Бировга чоҳ қозсанг ўзинг тушасан» деган доно мақол айнан С. Абдуллаевларга ўхшаганларга таалуқлидир.

**Н. ТУРАБОЕВ.**

# Жиноят ва жазо

# ЎЧ

## (ЎЙИНДАН ЧИҚҚАН ЎТ)

Буюк ўрис ёзувчиси Лев Толстой бир пайтлар «Одамларни осадиган иншоот —дор қайси дарахт танасидан ясаларкин», деб ҳайратланганди. Ёзувчининг бу ҳайрати инсонга, инсон қўли билан қилинадиган жоҳилликларга қарши ожизгина исён эди.

Мен йўлга отланарканман, шулар ҳақида ўйлайман. Буюк яратувчилик қудратига эга, Оллоҳнинг мўъжизаси бўлмиш инсон қисмати оғир ўйга толдиради мени. Одам ҳар доим ҳам тушкунликка тушавермайди. Лекин у бир куни содир бўлади. Шундоқ бир инсон билан гаплашиб ўтирганингда, кулиб-чақчақлашиб ўтирганингда юз бериши мумкин бу. Сен ёнингдаги инсон, сенга ҳам суҳбат бўлиб ўтирган инсон қотил эканлигини, бир одамни ваҳшийларча чавақлаб ташлаганлигини эшитиб даҳшатга туша бошлайсан энди.

Йўлда кетаяпману, ваҳима босади, у қанақанги одам, мен уни қабул қила оламанми? Юзини тасаввур қилишга тиришаман. Тасаввур хира тортади. Энди шаклана бошлаган қиёфа нураб, титилиб кетади. Прокуратура терговчисининг гапи эсимга тушади: «Сиз инсон дейсиз, инсон тақдири дейсиз, буларнинг кўпчилиги қилган жиноятидан қайғуради эмас, балки «Ўчимни олдим» деб ғурурланишади ҳам».

Атрофи бетон ва тиканли симлар билан ўралган тор йўлакдан кетарканмиз, ҳайратим янада ошади. Сўлим, одамлар билан тўла шаҳар хиёбонларидан тўғри бу ерга кириб келиш... Тирик ҳаётдан кўра кўпроқ қабр совуқлигини эслатувчи оғир сокинлик ҳар қандай одамниям жиддийлаштириб қўяди. Ёнимда келаётган кузатувчига қарайман, унинг юзи ўзгармайди: бир хил, жиддий. Айлана йўл билан яна озроқ юрганимиздан кейин пастроқ қилиб қурилган бир қаватли бинога рўпара келдик. У (қамоқхона нозири) мени ўз хонасига бошлади. Чой узатди. Ундан—бундай гапира туриб, «уни ҳозир обкелишади», деб қўшиб қўйди. Мени баттар ваҳима босади. Тайёрлаб қўйган саволларимни ичимда такрорлайман. Қалтисроқлари ўрнига бошқаларини тайёрлайман (чунки, мендан кўп савол бермангиз, деб илтимос қилишганди). Шундай—ўзим билан ўзим андармон бўлиб турганимда эшик очилиб, ҳарбийча кийинган ёш йигитнинг аввал юзи, сўнг бутун танаси кўринди. Нозир унга бош билан имо қилди. Ҳаял ўтмай ўша йигит гавдали, сочлари қириб олинган, қорачадан келган бир одам билан кириб келди. Бу ўша еди.

### АЙБДОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

**Ваҳобов Абдулла Ваҳобович (баъзи сабабларга кўра исм-фамилиялари ўзгартирилди).** 1955 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ишламайди. Бунга қадар ҳам бир марта (1978 йил) судланган.

У менинг қаршимга ўтирди. Унга зимдан разм соламан. Қошлари чимирилган, қовоғидан қор ёғиб турган бу одам билан суҳбатлашиш, ундан бирор гап сўраб олиш мушкуллигини сездим. Шу боис анча пайт гапни нимадан бошлашни билолмай турдим. «Бу киши газетадан экан, сиз билан суҳбатлашмоқчи. Қилган хатоингиз ёшларга ва умуман бошқа одамларга сабоқ бўлиши учун биронта мақола тайёрласам, деб кепти, агар маъқул топсангиз гапириб беринг». Нозирнинг бу гапи жонимга аро кирди. Ялт этиб Ваҳобовга қарадим. У менга бир қарадида, яна қўлидаги аллақандай қоғозни ўйнай бошлади. Диққатим ошди. Хаёлга алламбалолар келади. Фикрда кўним йўқ. Гоҳ, жиноятчи билан орамиз бир қаричлигини ўйлаб даҳшатга тушсам, гоҳ бу ҳам ўзимизга ўхшаган одам экан-ку, болаликдан «маҳбус» деса икки шохли ваҳшатли маҳлуқни тушунардик, деган ўй кечади ҳаёлимда. У буларди сезди, шекилли, «Нега бунча ҳадиксирайсиз, мен ҳам одамман, мениям она туққан, ужа»,—деди ердан кўз узмай.

### АЙБЛОВ ХУЛОСАСИДАН КЎЧИРМА

Ваҳобов Абдулла Ваҳобович шу йил 22-январь куни кечки соат 22.00 лар атрофида уйига таниши Азимов Абдумутални чақиради. Спиртли ичимлик ичишиб маст ҳолатга тушишгач, кундузи бўлган ўйинни (хўроз уриштириш) давом эттирмоқчи бўлади. Ва ўйиндан ўт чиқади. Яъни улар хўрозлари устидан баҳслашиб қолишади. Сўнг улар ташқарига чиқаётганда Ваҳобов ошхонага киради. Ва у ердан пичоқ олиб чиқиб, Азимовнинг қорин қисмига ва бўйнига бир неча маротаба пичоқ уради. Ушбу ҳолат юзасидан тузилган СТЭ (суд медицина экспертизаси)нинг №98 сонли хулосасига кўра, Азимов Абдумуталга етказилган жароҳатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 25—97 моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноят содир этилган.

### ВОҚЕА

Қишнинг қоқ ўртаси бўлишига қарамай, ҳавонинг авзойи ўша куни анча дуруст эди. Кечаси ичкилик таъсирими, ё озроқ шамоллаганми, Абдулла ёстиқдан бошини аранг кўтарди. Уйда ундан бошқа ҳамма аллақачон туриб улгурган, ҳатто чой-пойини ичиб, иши бори ишга, болалар мактабга кетиб улгурганди. Шунинг учун ҳайҳотдай ҳовли сокингина эди. У яна бироз ётгач оғир қўзғалиб жойидан турди. Енгилгина кийиниб ҳовлига чиқди. Унинг бўғилиб-бўғилиб йўталганидан чўчиб тушган хотини қўлидаги супургисини чой қўяман,—дея ошхонага йўналди.

— Турдингизми, адаси, ҳозир мен чой қўяман,—дея ошхонога йўналди.

У эса бошидаги оғриқнинг зўриданми ё уйқу ҳалиям элитаётганми, кўзларини юмиб, «чой-пойингни қўйиб тур, даканг қалай, даканг, унга қарадингми?»—деди дўқ оҳангина. Хотини «ҳа, дон, сув бердим», дегач тебраниб оғилхонага қараб юрди. Хўрозини кўриб кўнгли тоғдай кўтарилди. Юзларига табассум ёйилди. «Оҳ, менинг даканг хўрозим, бор—йўғим, бугун биз учун ҳал қилувчи жанг бўлади. Агар шуни енгсак бўлди, биздан зўри бўлмайди. Сенга ишонаман, унинг жўжахўрозини онасининг учқурғонидан кўрсатасан.» У хўрозини сийпалаб гўё гап уқтирарди.

Хўрозини кайфиятини кўтардими ё бошқа сабаб бўлдими, Абдулла иштаҳа билан нонушта қилди. Панжалари орасидан оқиб тушаётган ош ёғини иштаҳа билан ялади. Босиб-босиб чой хўплади. Унинг қўли чойда бўлса-да хаёли умуман бошқа томонда эди. У ҳозир бир неча соатлардан сўнг содир бўладиган хўрозлар жангини ўйлаётганди. Кўз олдига жарақ-жарақ пулларни келтириб баҳри-дили очилди, унинг. Йўқ, унинг учун пул биринчи ўринда эмас, хўрози—ор-номуси биринчи ўринда. Агар шунча одам орасида хўрози ютқазиб қўйса борми...

Абдулла белгиланган жойга келганда аллақачон ўттиз-қирқ чоғли одам йиғилиб бўлганди. Доира шаклида айлана бўлиб олган одамлар бири олиб бири қўйиб, бири қийқиришар, хўрозларни олқишлашарди. Ҳаш-паш дегунча Абдулланинг хўрозигаям вақт етиб келди. Абдулла ҳаяжонда эди. Чунки, бу ерга шаҳарга донғи кетган хўрозлар келган. Лекин Абдулланинг хўрози анча дуруст экан шекилли, 10-15 минутга қолдирмай бешта хўрознинг «абжағини» чиқарди. У бундан хурсанд бўлди. Бироқ олдинда ҳал қилувчи ўйин. Йиғилганлар ҳам аслида шу ўйинни кўриш учун келишган. Бунгача бўлган жанглар эса шунчаки эрмак учун эди.

Абдулла хўрозини пинжига олиб тожидан оқаётган қонни даструмоли билан артди. Хурпайган патларини силади. Ўртада шов-шов кўтарилди. Оломон жангни бошлашни талаб қилаётганди. Бу пайтга келиб давра анча кенгайган, атрофни турли русумдаги машиналар ўраб олганди. Кимдир пул йиғишга тушди. Катта картон ящик билан қарийб тўлди. Абдулла кўз қири билан Абдумуталга қаради. У ҳам жиддий нигоҳ ташлади Абдуллага. Бу икки таниш анчадан буён давраларда бирга қатнашишади. Бир гал униси, бир гал буниси устун келиб юрарди. Лекин Абдулла бу хўрози билан илк бор Абдумуталга қарши жангга киришаётганди.

Ниҳоят томошабинлар қистови билан ўйин бошланди. Икки ёндан икки хўроз патларини хурпайтириб бир-бирига ўқдай ташланилди. Даврага сукут чўкди. Абдумуталнинг хўрози Абдулланикини тагига босиб олиб бошидан чўқий бошлади. Икки-уч минут шундай тургач яна Абдулланики такка тушиб қолди. хўрозларни ажратиб қўйишди. Сўнг Оломон ҳайқирди. Абдулла ирғиб турди. «Тур, тур, турсангчи ҳозир ютқизиб қуямиз, тур хароми». деб бақирди. Юзлари ёнди. Хўрозининг ўрнига ўзи майдонга тушгудек чоғланди. Одамлар тутиб қолишди. Шу пайт нима бўлдию, тагдаги хўроз ўзини ўнглаб олди. Тагдан чиқди. Абдуллада яна умид туғилди. Лекин минг афсуски, хўроз энди рақибига эмас, эгасига қараб қочиб келди. Даврада кулги кўтарилди. Абдулла ер ёрилмади ерга кириб кетмади.

Ўша куни ўйин тугаб ҳамма тарқай бошлагач, Абдулла Абдумутални имлаб ёнига чақирди. «Оғайни ютдинг, ҳалолинг бўлсин, бугун энди бир ғалабани ювайлик, кечга уйга ўт, ош қилдириб қўяман»,—деди сохта жилмайиб. Ўзи ҳамма ёғи қонга бўялган хўрозини оёғидан кўтариб уйига кетди.

Кечга яқин уйига Абдумутал келди. Дастурхон тузалди. Ароқ, коняк дегандай. Хуллас, дастурхонда ҳамма нарса бор эди. Улар анча пайт бошқа мавзуларда суҳбатлашиб ўтиришди. Чунки, ҳали бўлиб ўтган жангдан сўз очишга иккаласининг ҳам юраги дов бермаётганди. Бироз ичишгач, гап-гапга уланиб, барибир суҳбат ўша мавзуга бориб тақалди.

— Аммо бугун жуда зўр жанг бўлди-да,—деди Абдумутал сигарет тутинини ичига тортаркан.

— Ҳа,—деди Абдулла ичидан зил кетиб. Унинг бугун бағрини алам, нафрат чулғаб олди. Кўз олди қоронғилашди. Хаёлида турли режалар туза бошлади. Шу пайт Абдумутал;

— Оғайни, кеч бўп қолди, кайфимиз ҳам ёмонмас, энди мен турай,—деб ижозат сўради.

Унинг нималар деганини аниқ англаб ололмаган Абдулла бош ирғаб қўйди. Абдумутал жойидан қўзғалди. Иккаласи ҳовлига чиқишди. Хўроз қичқирди. «Хўрозингнинг томи кетиб қопти шекилли соат ўндаям қичқирадими, хўроз дегани»,—деб ҳазиллашган бўлди Абдумутал. Абдулланинг ёниб турган бағри янада ёнди. Дарвозахонага етишганида Абдулла «Тўхта, мен ҳозир»,—деди-да, гандираклаб ошхонага кирди. У ердан узун сопли пичоқни олиб чиқиб Абдумуталга яқинлашди. Ва.... ва унинг қорин бўшлиғига бор кучи билан пичоқни урди. У тинимсиз сўкинар ва пичоқни суғуриб олиб, қайта-қайта Абдумуталнинг тўғри келган жойига урарди. Охири кўп қон йўқотган Абдумутал ҳолсизланиб йиқилиб тушди.

Хайрият, куни бор экан, худонинг иноятн билан Абдумутал тирик қолди... Абдулла... Абдулла эса 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

### АБДУЛЛА БИЛАН СУҲБАТДАН

— Мен нотуғри иш қилганимни энди англаяпман. Бечорага кўп зиён етказдим. Айбимни тан олдим. Қимор ёмон нарса, бир киришдингми, тамом, ё ўнгланасан, ё олиб кетади. Пешонада бор экан кўраяпмиз, ука.

— Сиз унга пичоқ ураётиб, унинг болаларини, қолаверса ўзингизнинг болаларингизни ўйламадингизми?

— Э, ундай пайтда нимаям эсга келарди, дейсиз. Ичгандик. Кейин алам қилди. Хўрозимни яхши кўрардим. Ҳозир ҳам баъзан-баъзан тушимга кириб туради.

— Битта хўроз деб қанча одам азият чекканлигини биласизми?

У индамайди. Кўзларини ерга қадаб оғир ўйга толади.

### ЯКУН

Мана, бутун ўйларини, орзу-умидларини шу ўйинга тикиб охири бора-бора қисмат ўзларини ҳам «хўроз»га айлантириб қўйган йигитлар тақдири. Уларнинг онги, фикрлаш тарзи инсонникига ўхшайди, деб энди ҳеч ким айтолмайди. Уларнинг исми Абдулла ва Абдумутал бўлгани билан, Худо тақиқлаган қиморни ўйнаганлари, муккасидан кетганлари, ўз биродарига пичоқ санчганлари учун улар ислом динига, жамиятимизга ёт кишилардир.

Ўз қисматига бепарво одам албатта оила ва фарзандлари қисматига ҳам бефарк қарайди, дея чукур таассуфда мақоламизга якун ясаймиз.

Худо ҳеч кимнинг бошига бундай кўргиликни солмасин!

**Ў. ҒОИИМОВ**
**(«Ойла ва жамият» газетасидан).**

# ҚРИИМ БАСПА СӨЗ ОРАЙЫ ХАБАРЛАЙДЫ

Қарақалпақстан Республикасы ишки ислер министрлигиниң хызметкерлери тәрепинен республикамыз аймағында азық-аўқат өнимлериниң жәмийетлик саўда орынларында сатылыўы қадағаланбақта. Ун, гүриш ҳәм басқа да күнделикли зәрүрликтеги азық-аўқат өнимлерин қарыйдарларға сатыўда саўда тәртибиниң бузылыў жағдайлары ушыраспақта.

Нөкис қаласындағы «Азық-аўқат» акционерлик жәмийетиниң №9 дүкән сатыўшысы Қдырова Г. 1 қалта унды, 1 кг соя майын, 5 дана нанды қарыйдарларға сатқан ўақытта 134 сом 52 тийин жырып жеп қалды.

* * *

Хожели қалалық базарында Тақыятас ун комбинатында таярланған 15 қалта гүришти сатыўға алып барған ўақытта ҳеш жерде ислемейтуғын Хожели қаласы турғыны Ж. Әуезбаев иркилди.

* * *

Усы Хожели базарында Тақыятас ун комбинатында қалталанған 2 қалта унды 3700 сомға қарыйдарларға сатқан ўақытта ҳеш жерде ислемейтуғын Хожели қаласы «Швейная» көшесинде жасаўшы С. Сметов иркилди. Оның үйинен усындай 14 қалта ун табылды. Дәслепки излестириў жумыслары жүргизилмекте.

* * *

Хожели районлық ишки ислер бөлиминиң хызметкерлери Хожели базарына сатыўға алып келинген 2 қалта унның ийеси М. Қурбанбаеваның үйинде 73 қалта ун жыйнаўлы екенлигин анықлады.

Бул унның 11 қалтасы Тақыятас ун комбинатында қалталанған, ал 62 қалтасы Қазақстан Республикасынан алып келингенлиги мәлим болды. Дәслепки тергеў—сорастырыў ислери жүргизилмекте.

Республика аймағында азық-аўқат өнимлериниң жәмийетлик саўда орынларына дурыс сатылыўы қадағаланбақта.

«АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ»

ШӨЛКЕМЛЕСТИРИЎШИЛЕР; Қарақалпақстан Республикаси Прокуратурасы, Әдиллик Министрлиги ҳәм Ишки ислер Министрлиги

Газета А-3 форматында нусқасы 12500
574 буйыртпа менен басылды.
Газета айына 3 мәртебе шығады.

Бас редактор Роза КӨБЕЙСИН қызы.

Редакцияның жәмийетлик кеңесгөйлери:

Парахат АЙТНИЯЗОВ, Бахмурат СЕЙТМУРАТОВ. Батыр МАТМУРАТОВ, Халмурза МАМУТОВ, Фархад НИЗАМОВ, Азат НУРЖАНОВ, Жаңабай САДЫҚОВ, Жаңабай ШЫЛМАНОВ, Замира ШАМУРАТОВА, Ҳакимбай ХАЛИМОВ.

Мәкан жайымыз;
Инд; 742000. Нөкис қаласы
Ғәрезсизлик көшеси №44 жай.
телефон; редактор; 4—47—59.

Басыўға рухсат етилген ўақты 15.00
Индекс 64524

Баспасөз бойынша Қарақалпақстан Республикасы Мәмлекетлик комитетиниң Нөкис полиграфкомбинаты